

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил октябрь ойининг 30 куни жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди ўз биносида очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья ХХХХ, судья ёрдамчиси ХХХХнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси ХХХХ, судланувчи ХХХХ ва унинг ҳимоячиси адвокат ХХХХ, жабрланувчи ХХХХ ва ХХХХнинг иштирокида, ХХХХга нисбатан 1-ХХХХХХ-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

И ш ҳ у ж ж а т л а р и г а к ў р а :

ХХХХ (ХХХХ), 1983 йил 15 февраль куни Жиззах вилояти Бахмал туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, ишламайди, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бахмал туман судининг 2023 йил 11 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 10 ой 5 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўталмаган, Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Бунёдкор маҳалласи, Тенгали қишлоғи, 192-уйда яшайди, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2024 йил 18 октябрдаги ажримига кўра, сиртдан қидирув эълон қилинган, 2024 йил 23 октябрь кунидан қамоқда сақланаётган, айблов хулоса нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

ХХХХ, фирибгарлик яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил апрель ойида тергов ҳаракатлари вақтида аниқ куни ва вақтини аниқлашнинг имкони бўлмаган вақтида, Афғонистон Республикаси Балх вилояти Шўртепа туманида яшовчи ХХХХни алдаб унинг ишончига кириб Термиз тумани “Хайратон” маҳалласида жами 17.220 (ўн етти минг икки юз йигирма) килограмм картошка маҳсулотини ҳар бир килограммини 3.150



(уч минг бир юз эллик ) сўмдан ҳисоблаб, 7 (етти) кун ичида жами 53.700.000 (эллик уч миллион етти юз минг) сўм пулларни беришга ишонтириб, картошка маҳсулоти учун 24.000.000 (йигирма тўрт миллион) сўм пулларни бериб, қолган 29.700.000 (йигирма тўққиз миллион етти юз минг) сўм картошка маҳсулотининг пулларини бермасдан, ўзининг эҳтиёжи учун сарфлаб юбориб, фуқаровий даъвогар ХХХХга 29.700.000 (йигирма тўққиз миллион етти юз минг) сўм моддий зарар етказган.

Бундан ташқари ХХХХ юқоридаги жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмай қолганлигидан фойдаланиб, ўзининг жиноий ҳаракатларини қасдан такроран давом эттириб фирибгарлик йўли билан текин бойлик орттириш мақсадида, 2023 йил апрель куни тергов ҳаракатлари вақтида аниқ вақтини аниқлашнинг имкони бўлмаган вақтида, Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани “Чароғбон” маҳалласи 10-уй 16-хонадонда яшовчи ХХХХ Мамараимовични алдаб унинг ишончига кириб, Термиз тумани “Хайратон” маҳалласида жами 15.580 (ўн беш минг беш юз саксон) килограмм картошка маҳсулотини ҳар бир килограммини 3.200 (уч минг икки юз) сўмдан ҳисоблаб 2 (икки) кун ичида жами 51.370.000 (эллик бир миллион уч юз етмиш минг) сўм пулларни беришга ишонтириб, картошкани ўзининг эҳтиёжи учун сарфлаб юбориб, фуқаровий даъвогар ХХХХга 51.370.000 (эллик бир миллион уч юз етмиш минг) сўм моддий зарар етказган.

Суд мажлисида судланувчи ХХХХ айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2023 йил апрель ойида Термиз тумани “Хайратон” кўприги олдида Афғонистон фуқароси ХХХХдан жами бўлиб 17.220 килограмм картошка маҳсулотини ҳар бир килограммини 3.150 (уч минг бир юз эллик сўм)га ҳисоблаб олганини, у ушбу картошка маҳсулотларини пулини ХХХХга 7 кунда беришга кўндириб олиб кетганини, у олган жами 17.220 килограмм картошка маҳсулотини олиб Сирдарё вилояти Бахт туманига Алишер исмли акага сотиб пулларини тўлиқ олганини, шундан сўнг у яна Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрига келиб яна Шавкат исмли акадан 40 тонна картошкани қарзга олиб Жиззах вилоятига олиб бориб деҳқонларга 4000 сўмдан ҳисоблаб қарзга берганини, лекин ушбу картошкалар кўкариб чиқмаганлиги сабабли, пулларни тўлиқ ололмаганини, шундан сўнг у Туркмен Авазга кўнғироқ қилиб картошкасини пулини сўрашни бошлаганини, у фуқаролардан пулларни ололмаганлиги сабабли Авазга ҳолатни тушунтириб банкдан кредит чиқариб пулларини тўлиқ қилиб беришини айтганини, банк унга кредит беришни рад қилганини, у Самарқанд вилояти Тойлоқ туман “Чароғбон” маҳалласи 10-уй 16-хонадонда яшовчи фуқаро ХХХХ Мамараимовични икки ёки уч йилдан буён танишини, 2023 йил апрель ойида 15.580 килограмм картошка маҳсулотини Термиз тумани “Хайратон” постидан 3.200 сўмдан ҳисоблаб 51.370.000 сўмга келишиб олиб пулини 7 кунда қилиб бериш шарти билан олганини, бироқ у картошка пулларини ХХХХга беролмаганини, ҳозирги вақтда яқин қариндошлари томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлигини, қилмишидан чин



кўнгилдан пушаймонлигини маълум қилиб, суддан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи ХХХХ қуйидагиларни, у ҳозирги кунда Афғонистон Республикаси орқали олиб келинган товарларни экспорт қилиш билан шуғулланиб келишини, 2023 йил апрель ойида Жиззах вилояти “Бахмал” тумани, Бунёдкор МФЙ, “Тангали” қишлоғида яшовчи фуқаро ХХХХ Термиз шаҳрига келиб, ундан сотиш учун мўлжалланган картошка маҳсулоти бор ёки йўқлигини сўраганини, у ХХХХга картошка маҳсулоти борлигини айтганини, шундан сўнг орадан тахминан бир ёки икки кун ўтмасдан Термиз тумани “Кейпинг” савдо марказидан жами 17.220 килограмм картошка маҳсулотини 3.150 сўмдан ҳисоблаб жами 53.700.000 сўм миқдоридаги пулларга сотиб олиб, ушбу пулларни 7 кун ичида қилиб беришини айтиб олиб кетганини, у ХХХХдан 24.000.000 сўм миқдоридаги пулларни олганини, ҳозирги кунда ХХХХ унга бериши керак бўлган 29.700.000 сўм миқдоридаги пулларни бермасдан алдаб юрганини, суддан унга етказилган 29.700.000 сўм миқдоридаги моддий зарарни судланувчи ХХХХдан ундириб беришни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи ХХХХ қуйидагиларни, у 2009 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланиб келишини, 2023 апрель ойида унга Жиззах вилояти Бахмал тумани “Бунёдкор” маҳалласи “Тангали” қишлоғида яшовчи фуқаро ХХХХ исмли фуқаро ундан 15.580 килограмм картошка маҳсулотини 51.370.000 сўмга ҳисоблаб олиб кетганини, шундан кейин ХХХХ уни алдаб телефонини ўчириб алоқани узиб кетганини, суддан унга етказилган 51.370.000 сўм миқдоридаги моддий зарарни судланувчи ХХХХдан ундириб беришни сўради.

Судланувчи ХХХХнинг жиноят содир этганликда айби, ўзининг ва жабрланувчиларнинг суд мажлисида берган кўрсатувлари, жабрланувчи ХХХХнинг аризаси, жабрланувчи ХХХХнинг аризаси, смс ёзишма нусхалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тасдиғини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ХХХХнинг жиноий ҳаракати, фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан, ўзганинг мулкани такроран қўлга киритишда ифодаланган жиноий аломати Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХХга нисбатан жазо масаласини муҳокама қилиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида кўрсатилганидек, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига риоя қилишлари лозимлиги тўғрисидаги талабларидан келиб чиққан ҳолда, улар томонидан содир этилган жиноятларнинг барча ҳолатлари, бинобарин, жиноятнинг содир этилиш усули, вазияти ва оқибати, жиноят содир этилишидаги



иштироки, яъни роли даражасини, унинг шахсини инобатга олган ҳолда, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси бешинчи қисмида кўрсатилганидек, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда айбдор шахсга озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмаслиги ҳақида қонун талабига риоя қилган ҳолда жазо тайинлашни мақсадга мувофиқ деб топди.

Суд, судланувчи ХХХХга жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг шахсини, оилавий шароитини, қарамоғида тўрт нафар фарзанди борлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, иш бўйича етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни қасддан содир этганини оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3 бандидаги “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб қайд этилганлигига риоя этган ҳолда унга нисбатан у айбли деб топилган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган доирада ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

Суд, судланувчи ХХХХга мазкур ҳукм билан тайинланган жазо муддатига жиноят ишлари бўйича Бахмал туман судининг 2023 йил 11 августдаги ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида тайинлашни;

жазо тайинлашда ЖКнинг 62-моддасига асосан ХХХХнинг қамоқда сақланган ҳар бир куни тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб ҳисоблашни;

ХХХХга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириб, уни суд залида қамоқдан озод қилишни лозим деб топади.

Суд, иш бўйича етказилган зарарни қоплаш мақсадида ХХХХ томонидан Марказий банкнинг Сурхондарё вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига тўланган 39.999.000 сўм; Ипотека банк АТИБ Сурхондарё вилоят филиалининг Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Сурхондарё вилоят бўлими депозит ҳисоб рақамига тўланган 41.080.000 сўм пул маблағи жами 81.079.000 сўм пул маблағидан жабрланувчи ХХХХга 29.700.000 сўм, жабрланувчи ХХХХга 51.379.000 сўмни ўтказиб беришни лозим деб ҳисоблайди.

Ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона дВД дискни иш ҳужжатларида сақлашни лозим деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек авф этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.” деб кўрсатилганлигини инобатга олиб, судланувчи ХХХХга ҳукм устидан юқори судга шикоят қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463-модда 2-қисмининг 1-банди, 465-468, 471,473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

ХХХХ (ХХХХ) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

ХХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ХХХХга мазкур ҳукм билан тайинланган жазо муддатига Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Бахмал туман судининг 2023 йил 11 августдаги ҳукми юзасидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан ХХХХнинг 2024 йил 23 октябрь кунидан 2024 йил 30 октябрь кунига қадар қамокда сақланган 7 кунининг ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазо муддатидан чегирилсин ва унга ўташ учун 2 (икки) йил 5 (беш) ой 9 (тўққиз) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини мазкур жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берадиган бошқа жойларда ўташ белгилансин.

Жазо муддати 2023 йил 5 сентябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Бахмал туман ИИБ бошлиғига юклатилсин.

ХХХХга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтамаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 46-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

ХХХХга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, у суд залида дарҳол қамокдан озод қилинсин.

Иш бўйича етказилган зарарни қоплаш мақсадида ХХХХ томонидан Марказий банкнинг Сурхондарё вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига



тўланган 39.999.000 сўм; Ипотека банк АТИБ Сурхондарё вилоят филиалининг Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Сурхондарё вилоят бўлими депозит ҳисоб рақамига тўланган 41.080.000 сўм пул маблағи жами 81.079.000 сўм пул маблағидан жабрланувчи ХХХХга 29.700.000 сўм, жабрланувчи ХХХХга 51.379.000 сўм ўтказиб берилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона днд диск иш ҳужжатларида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди орқали Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидир, суднинг ҳукми апелляция тартибида кўрилмаган бўлса кассация тартибида шикоят ва протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

ХХХХ

